

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№3/2022(162) 1995 йилдан чиқа бошлаган

БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

БОШ МУҲАРРИР:

Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ

Робахон МАХМУДОВА

Халилилло ТУРАХУЖАЕВ

Икрам МУСЛИМОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил
19 апрелда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0249-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий
аттестация комиссияси
Раёсатининг 2004 йил
17 декабрдаги 110/4-сонли
қарорига асосан ҳуқуқий,
илмий-амалий журнал
ваколати берилган.

Босишга 14.06.2022 йилда
топширилди. Бичими: А4.

«ВАУОЗ» МЧЖ матбаа
корхонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Лутфкор 1-тор кўчаси, 1-уй.
Адади: 5200 нусха.
Буюртма № 21.

МУНДАРИЖА

2. А. САИДОВ

*Конституциявий ислоҳотлар —
сайловчилар хоҳиш-иродаси, замон талаби*

10. И. ХУШВАҚТОВ

*Конституциявий нормаларнинг экологик
сиёсатни амалга оширишидаги ўрни ва аҳамияти*

13. М. МАМАСИДДИҚОВ

Муносиб меҳнат ҳуқуқи кафолати

14. М. АБДИЕВА

*Халқ муаллифлигида ёзилган ҳужжатларгина
тараққиётга хизмат қилади*

17. Г. ТЎЛАГАНОВА

Инсон шайни ва шахсий ҳаёти дахлсиздир

21. А. САЙДАЛИЕВА

Конституциявий ислоҳот ва ёшлар

22. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори

*Жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқишига
тайёрлаш бўйича суд амалиёти тўғрисида*

28. О судебной практике по подготовке уголовных дел к рассмотрению по первой инстанции

34. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори

*Жиноят ишларини биринчи инстанция судида муҳокама
қилиш бўйича суд амалиёти тўғрисида*

40. О судебной практике по разбирательству уголовных дел в суде первой инстанции

45. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори

*Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни апелляция
тартибида кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти тўғрисида*

51. О судебной практике по рассмотрению дел об

административных правонарушениях в апелляционном порядке



КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР – сайловчилар хоҳиш-иродаси, замон талаби

Ўтган ой мамлакатимиз парламенти ҳаётида конституциявий-ҳуқуқий асосларнинг барқарор ривожланиши ва мустаҳкамланиши, янги Ўзбекистонни бунёд этиш ва Учинчи Ренессанс асосларини шакллантиришга қаратилган кенг қўламли ва шиддатли демократик ислоҳотлар учун муҳим ҳодисаларга бой бўлди.

Хусусан, 16 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг энг йирик фракциялари — ЎзЛиДеП ва "Миллий тикланиш" демократик партиясининг алоҳида, 17 май куни мамлакатимизда конституциявий ислоҳотларни амалга ошириш ва ушбу масалани Олий Мажлис палаталари кенгашлари муҳокамасига киритишга бағишланган қўшма йиғилишлари бўлиб ўтди.

Шу билан боғлиқ ҳолда, 20 май куни Сенат ва Қонунчилик палатаси кенгашларининг қўшма мажлиси ўтказилди. Бу йиғилишда Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни

амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия ташкил этилиб, унинг таркиби ва вазифалари белгиланди. Мазкур Конституциявий комиссия таркибига барча ҳудудлардан депутатлар, сенаторлар, жамиятнинг турли қатламлари, фуқаролик жа-

мияти институтлари вакиллари, етук ҳуқуқшунос ва сиёсатшунослар ҳамда бошқа экспертлар (жами 46 киши) киритилди.

Хўш, парламентимизнинг бундай қарорига сабаб нима ва у нима билан боғлиқ? Конституциявий ислоҳот нимага

керак, унинг асл, туб гоёси нимадан иборат? Комиссия фаолияти қандай йўл билан ва қайси тамойиллар асосида ташкил этилади? Булар мазкур мавзу юзасидан глобал тармоқ ва ижтимоий саҳифаларда берилётган саволлар рўйхатининг кичик бир қисми, холос.

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ
ИСЛОҲОТ —
АҲОЛИНИНГ КЕНГ
ҚАТЛАМИ ВА
САЙЛОВЧИЛАР АМРИ**

Аввало, Ўзбекистонда конституциявий ислоҳотнинг бош гоёвий илҳомлантирувчиси, шубҳасиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёев, асосий ташаббускори эса, мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламидир.

Биринчидан, 2021 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Президенти сайлови жараёнида барча номзодларнинг электорат вакиллари билан учрашувлари чоғида ҳаётий талабдан келиб чиққан ва мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлган муҳим таклиф илгари сурилди. Бу — конституциявий ислоҳотни амалга ошириш.

Хусусан, Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга оид биринчи таклиф ЎзЛиДеПдан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловчилар билан Қорақалпоғистоннинг Бўзатов туманида бўлиб



Акмал САЙДОВ,

Конституцияга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия раиси

ўтган учрашуви чоғида илгари сурилган эди. Нафақат минтақавий, балки жаҳон кўламига эга экологик фожиа — Орол денгизи қуриши билан боғлиқ вазиятда амалдаги Конституцияда ўз аксини топмаган, инсоннинг экологик ҳуқуқлари, юртимиз аҳолисининг яшаб турган ва бўлажак авлодларининг қулай ва тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини мамлакат Бош қонунида акс эттиришнинг долзарблиги ва ҳаётий аҳамияти таъкидланди.

Келгусида Шавкат Мирзиёевнинг ҳудудлардаги сайловчилар билан яна 7 та вилоятда бўлиб ўтган учрашувлари жараёнида хусусий мулк муҳофазасига доир конституциявий-ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш ташаббуслари, жумладан, ер ва ерости бойликларига бўлган ҳуқуқ,

инсон кадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, мамлакатда миллатлар ва элатлараро тотувликни кучайтириш, миллий демократик институт — маҳалланинг ўрни ва мақомини ошириш, келажак авлодларгача анъанавий инсоний қадриятларни асраб-авайлаган ҳолда етказиш, оила институтининг аҳамияти, давлат ёшлар ва гендер сиёсатини, инновацион иқтисодиёт ва "билимлар иқтисодиёти"ни ривожлантириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага инвестициялар ҳажмини кенгайтириш каби ташаббуслар илгари сурилди.

Энг муҳими — келтирилган барча масалалар сайловчилар, жумладан, ўқитувчилар, тадбиркорлар, фермерлар, фуқаролик жамияти институтлари ва миллий-маданий марказлари ва-

киллари — мамлакатнинг оддий аҳолиси томонидан кўтарилди. Ўз навбатида, бу, бир томондан, Президентимизнинг Янги Ўзбекистон стратегияси доирасидаги демократик ислохотлар сиёсати кенг қўллаб-қувватланаётганидан далолат берса, иккинчи томондан, сайловчилар уларнинг натижадорлигидан, уларни янада чуқурлаштириш ва сайловолди дастурда белгиланган мақсадларга эришишдан манфаатдорлигини кўрсатади.

Қуйидаги партия номзодларининг учрашувлари чоғида ҳам:

- Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси — мамлакатимизнинг конституциявий тенглигини белгилаш, миллий анъана ва қадриятларни мустақамлаш ва муҳофаза қилиш юзасидан;

- Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси — суд ҳокимияти мустақиллиги, қонунлар ва суд қарорлари одиллиги, Конституция ва қонунлар, инсон ҳуқуқлари устуворлигининг, коррупцияга қарши курашишнинг конституциявий асосларини мустақамлашга қаратилган;

- Ўзбекистон Халқ демократик партияси — аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларининг, айниқса, ногиронлиги бор шахсларнинг конституциявий ва ижтимоий ҳимоясини кенгайтириш, ижтимоий йўна-

лишга эга давлат қуриш борасида;

- Ўзбекистон Экологик партияси — мамлакатда яшил иқтисодиётга ўтиш, экологик ноқулай ҳудудларда вазиятни яхшилаш бўйича тақлифлар билдирилди.

Таъкидлаш жоизки, буларнинг барчаси сайлов ва президентликка номзодлар билан учрашувлар жараёнида сайловчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза, тақлиф ва хоҳиш-истакдир.

Иккинчидан, сайловчиларнинг хоҳиш-истакларини чуқур ўрганган ҳолда, Ўзбекистон Президенти конституциявий ислохотлар заруриятига алоҳида урғу берди:

- ўтган йилнинг 6 ноябрь куни ўзининг инаугурация нутқи вақтида Президент академик таълим ва экспертлар ҳамжамияти олдида конституциявий ривожланишда миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш вазифасини қўйди, депутат ва сенаторлардан ушбу масалага эътибор билан ёндашиб, уни ўрганиш ва аниқ тақлифларни ишлаб чиқишни сўради;

- Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 29 йиллиги муносабати билан йўллаган табригида сайловчиларнинг амри ва хоҳиш-истакларига, тез суръатга эга демократик ўзгаришлар эҳтиёжларига асосланган конституциявий ислохотнинг устувор йўналишларини

белгилади.

Бундан ташқари давлатимиз раҳбари "Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" фундаментал муаллифлик монографиясининг иккинчи қайта кўриб чиқилган ва тўлдирилган нашрига конституциявий ислохотнинг заруратига бағишланган ва сайловолди кампания жараёнида берилган барча тақлифларни умумлаштиришга асосланган бўлимни киритди. Китобда Ўзбекистондаги конституциявий ислохотнинг асосий устувор йўналишлари белгиланган.

Учинчидан, сиёсий партиялар, аввало, ЎзЛиДеП ва "Миллий тикланиш" демократик партияси кутилаётган конституциявий ислохотларга нисбатан ўз электоратининг кайфияти ва истакларини чуқур ўрганишни ташкиллаштирди.

Ушбу икки партиянинг 1,5 миллиондан ортиқ аъзоси Конституциянинг модернизациясини қўллаб-қувватлабгина қолмай, унинг халқ томонидан қўллаб-қувватланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мақсадларига эришишнинг, мамлакат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар ҳаётидаги барча соҳаларни янада тез ва жадал ислоҳ қилиш учун зарур ҳуқуқий асосларни яратишнинг муҳим шарти сифатида зарурлигини кўрсатди.

КОНСТИТУЦИАВИЙ ИСЛОҲОТЛАР: ДУНЁДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Бугунги кунда дунёда 500 дан ортиқ амалдаги конституция бўлиб, улардан 200 га яқини мустақил давлатлар, 300 дан ортиғи федерациялар субъектларига тегишли. Шу билан бирга, Шумер шоҳи Ур-Наммунинг Қонунлар тўплами дунёнинг энг қадимги ёзма конституцияси, деб ҳисобланади. У муҳрланган сопол пешлавҳачаларнинг ёши 4 минг йилдан ошган.

Бунда Конституция ақида эмас, балки ҳаракатларнинг, барқарор тараққиётнинг дастури. Тузатиш, ўзгартириш киритиш имконияти барча конституцияларнинг фунда-

ментал хусусиятидир. Жамият тарихий ривожланишининг турли босқичларида бирдек хизмат қиладиган конституциявий матнни биттада ва абадий яратиб қўйишнинг иложи йўқ.

Шундай қилиб, XX асрнинг охириги ўн йиллиги ва XXI асрнинг боши дунё юриспруденцияси тарихига жаҳон ҳамжамияти вакилларининг конституциявий тузумида конституциявий ислоҳотларнинг янги сифат босқичига чиқиши, конституциявий дунёқарашда сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар даври ўлароқ киради. Хусусан, сўнгги 30 йил ичида дунёнинг 100 дан ортиқ мамлактада конституциявий ислоҳотлар ўтказилди, 57 давлатда янги конституция қабул қилинди. Эътиборлиси, конс-

титудияга энг кўп ўзгартириш ва қўшимчалар киритган давлатлар ўнталигида Мексика, Янги Зеландия, Бразилия, Швейцария, Австрия, Исроил, Чили, Колумбия, Грузия ва Хиндистон мавжуд. Бунда конституциявий ислоҳотларнинг аксарияти давлат ва жамиятни модернизация қилиш ёхуд сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий инқирозларга йўл қўймаслик, оқибатларини бартараф этиш доирасида амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда дунёда дастлабки таҳрирдаги конституциялар деярли қолмаган. Ҳозирги кунда энг қадимий ҳисобланган конституцияларга ҳам АҚШ да 27 та туб ўзгартириш, Норвегияда 200 мартадан ортиқ (бунда Бош қонун моддаларидан тахминан 1/3



қисмигина ўзининг дастлабки кўринишида қолган), Нидерландияда 24 марта (бирок 1983 йилда матни пухталиқ билан модернизация қилиниши натижасида ундаги деярли барча моддалар ўзгарган) ўзгартириш киритилган.

Замонавий глобаллашув шароитида бутун дунё мамлакатлари жадал тарзда конституциявий ривожланишнинг ўз моделини изламоқда. Шу билан бирга, Конституция давлатнинг сиёсий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунда конституциявий тамойиллар қуйидагиларни кўзда тутаяди:

биринчидан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш (шахс конституцияси);

иккинчидан, "жамоат ҳуқуқлари", "умумжамият ҳуқуқлар"нинг ҳимоясини мустаҳкамлаш, яъни фуқаролик жамияти институтларини мувофиқлаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш (жамият конституцияси);

учинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизими ташкиллаштириш, бевосита демократия шакллари билан уйғунлашган вакиллик демократиясини (сайлов, ре-

ферендум, умумхалқ муҳокама) такомиллаштириш, ҳокимият ваколатларини бўлиш, жумладан, қонунчилик ва ижроия ҳокимияти ўртасидаги ўзаро назорат ва мувозанатни сақлаш ҳамда суд органлари мустақиллиги тамойилини қўллаш, мансабдор шахсларнинг масъулияти ва ҳисобдорлигини янада ошириш (давлат конституцияси).

Конституциявий ислохот ҳозирги ва келажак барқарор ривожланишнинг зарур юридик заминидир. Хусусан, у ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро назорат ва мувозанатни сақлаш тизимини мустаҳкамлашга, ҳисобдорлик, шаффоқлик, иштирок ва келажакни кўра билишни оширишга кўмаклашувчи конституциявий "қоидалар"ни ўзгартириш йўли билан "самарали бошқарувнинг" ҳаётий аҳамиятга эга инструменти бўлиши мумкин. Бошқарувнинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгаришлар сиёсий тизим барқарорлигига имкон беради. Бу, ўз навбатида, иқтисодиёт учун фойдали бўлиб, инвестиция ва тараққиёт учун барқарор замин яратаяди.

Дунёдаги конституциявий ўзгаришларни ўрганиш ўзига хос жиҳатни — давлат Бош қонунини замон талаб-

ларига мослаштириш, унинг вужудга келаётган даъватларга жавоб бериш қобилиятини ошириш заруратини намойён қилмоқда.

Дунёда замонавий конституциявий ривожланишнинг устувор тенденциялари қуйидагиларга жамланмоқда:

- конституциявий ислохотларнинг тизимлилиги. Улар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар соҳалар, шунингдек, конституциявий ислохотлар билан модернизация жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро шартланганлиги;

- конституциявий тартибга солишнинг кенгайтириши, давлат ҳокимияти механизмини ислох қилиш ва бошқарув шаклини ўзгартириш;

- конституциявий кўлам соҳасини ривожлантириш, ҳуқуқий суверенитетни мустаҳкамлаш ва давлат конституциявий ўзига хослигини белгилаш;

- инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг суд ҳимоясини ошириш, конституциявий одил судлов ваколатини кенгайтириш, фуқароларга Конституциявий судга бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш;

- конституциявий ҳуқуқ ижодкорлигининг глобаллашуви, дунё давлатлари конституцияларида халқаро



ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойил ва нормаларини акс эттириш;
- давлат ва жамиятнинг конституциявий ривожланишини экологиялаштириш, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш принципини амалга ошириш;

- рақамли ҳуқуқларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ахборот жамиятини институтлаштириш, киберхавфсизликни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

ЎЗБЕКИСТОН: КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон конституциявий ислохотларни амалга оширишда катта тажрибага эга. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифаларни амалга

ошириш доирасида 7 марта Конституциянинг 21 моддасига 32 та ўзгартириш ва қўшимча киритилган. Хусусан, улар парламент, Президент ва ҳукумат фаолиятига, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ривожланишига, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро назорат ва мувозанатни сақлаш тизимига, сайлов тизимини демократлаштириш ва маҳаллага тегишли бўлган.

Конституциявий тузум, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларни тубдан ривожлантириш, янги Ўзбекистонни бунёд этиш, эркин ва одил фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ўзаро боғлиқ ва шарт-

ланган демократик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чуқур ислохотларни конституциявий таъминлашга алоҳида эътибор берилган.

Шу билан бирга, глобаллаштириш, рақамлаштириш, иқлим ўзгариши даври ва жадаллик билан ўзгариб бораётган ҳаётий воқелик мамлакатни янада модернизация қилиш, тинчлик, барқарорлик ва миллий мустақилликни мустаҳкамлаш бўйича ўта муҳим ва долзарб бўлган янги, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўймоқда.

Шу тариқа, Ўзбекистоннинг конституциявий тараққиёти умумжаҳон конституциявий ислохотлари йўлидан кетмоқда.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" китобида демократик ислохотларни янги сифат босқичига олиб чиқувчи янада жиддий ва зифалар қўйилган. Улар қонунчилик ҳамда ҳуқуқни англаш ва қўллаш тизимини, жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини умуминсоний қадриятлар ва барқарор ривожланиш тамойилларига йўналтиради. Янги Ўзбекистонга мувофиқ келадиган янги конституциявий принцип ва нормаларни белгилаш кўзда тутилган.

Аввало, бу "Инсон қадри учун" устувор тамойилини ҳаётга татбиқ этишга тегишлидир. Бунда инсон қадри — мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун тинч ва хавфсиз ҳаётни, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлари, малакали тиббий хизмат, сифатли таълим, кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда соғлом экологик муҳит таъминланишини, муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилманинг босқичма-босқич яратилишини англатади.

Конституциявий ислохотларнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгиланган:

биринчидан, аввал амал қилган "давлат —

жамият — инсон" парадигмасини янги "инсон — жамият — давлат" парадигмасига ўзгартириб, конституциявий қонунчилик ва конституциявий амалиётда мустаҳкамлаш;

иккинчидан, иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш. Бу ҳалқчил давлатни бунёд этишнинг энг муҳим шартидир;

учинчидан, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини, "Жамият — ислохотлар ташаббускори" тамойилини конституциявий мустаҳкамлаш;

тўртинчидан, оила институтини ривожлантириш, бўлажак авлодларга аънавий инсоний қадриятларни асраб-авайлаган ҳолда етказиш, мамлакатда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашнинг конституциявий асосларини белгилаш;

бешинчидан, Конституцияда давлат ёшлар сиёсатини, янги Ўзбекистон бунёдкорлари — ёшларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини, уларнинг ҳуқуқи, манфаатлари ва мажбуриятларини акс эттириш;

олтинчидан, ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва одил фуқаролик жамиятини қуриш сари илдам бораётганини ҳисобга олган ҳолда "Янги Ўзбекистон — ижтимоий

давлат" тамойилини конституциявий норма сифатида мустаҳкамлаш;

еттинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими самардорлигини ошириш, болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлиги бор шахслар ва кекса авлод вакиллари ҳуқуқларининг ишончли муҳофазасини таъминлаш;

саккизинчидан, Конституцияга махсус экологик қоидалар, глобал иқлим ўзгаришларига тегишли ҳуқуқий меъёрларни киритиш;

тўққизинчидан, болалар боғчалари, мактаблар, Учинчи Ренессанс асосларининг ўзаро боғлиқ жиҳатлари бўлган олий таълим ва фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини конституциявий даражада мустаҳкамлаш.

Президентимиз: "Атоқли давлат ва сиёсат арбоби Уинстон Черчиллнинг "Яхши бўлиш учун — ўзгариш керак, яхшиларнинг яхшиси бўлиш учун эса янада кўпроқ ўзгариш керак", деган сўзларида, ўйлайманки, теран ҳаётий маъно мужассам", дея урғу берди. Дарҳақиқат, жадал ўзгариб бораётган замона замонавий талабларга жавоб берадиган Конституцияга эга бўлиш учун мувофиқ хатти-ҳаракатлар ва ўзгаришларни талаб қилади.

КОНСТИТУЦИЙВИЙ КОМИССИЯ: АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Олий Мажлис палаталари кенгашлари томонидан Конституциявий комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- таклифларни тўплаш, умумлаштириш, шакллантириш асосида "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатлар, экспертлик ва турли хулосалар, статистик маълумотлар ва бошқа ахборотларни сўраб олиш;

- илмий-тадқиқот муассасалари, олимлар, экспертлар ва мутахассисларнинг Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлари юзасидан тавсияларини, шунингдек, экспертлар хулосаларини олиш;

- Конституциявий комиссиянинг ишига давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар вакилларини экспертлар сифатида жалб қилиш;

- зарурат туғилганда, манфаатдор давлат органлари ва нодавлат ташкилотларга ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш учун тақдим қилинган таклифларга асосан, бошқа қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклиф-

ларни ишлаб чиқиш;

- конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар бузилиши ҳақида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни тегишли идораларга кўриб чиқиш учун юбориш.

Конституциявий комиссия ишининг энг муҳим тамойиллари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, фаолият очиқлиги ва шаффофлиги. Бунда конституциявий ислохотларнинг энг муҳим вазифаларини жамиятда очиқ, шу жумладан, халқаро экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида муҳокама қилиш учун барча шароитлар таъминланади.

Бунда Конституциявий комиссия матбуот хизматининг фаолияти алоҳида ўрин тутди, хусусан, у оддий фуқаро учун содда ва тушунарли тилда конституциявий ислохотларнинг, конституциявий новеллаларнинг (янгиликларнинг) зарурияти, устуворликлари ва асосий йўналишларини етказишни таъминлайди.

Бундан ташқари, аввал икки мартаба ўтказилган, кутилаётган конституциявий ислохотларнинг турли жиҳатларига бағишланган халқаро конференцияларнинг ижобий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, илмий конституциявий форумларни ташкиллаштириш давом этади. Буларнинг барчаси янги Ўзбекистоннинг ўз фуқаролари учун ҳам, халқаро ҳамжа-

мият учун ҳам очиқлигидан далолат беради;

иккинчидан, коллегиялик. Конституциявий комиссиянинг барча аъзолари қарор қабул қилишда бир овозга ва тенг ҳуқуқларга эгаллиги бунга кафил бўлади;

учинчидан, Президентнинг "Халқ — қонун ижодкори" ғоясини амалга ошириш, Конституциявий комиссия фаолиятида фуқаролик жамияти институтлари, академик, тадқиқот ва таҳлил марказларининг кенг иштирокини таъминлаш.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, "Барқарор ривожланиш маркази" ННТ ва Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги Давлат ва ҳуқуқ институти томонидан "Конституциявий ислохотлар: дунё мамлакатларининг тажрибаси" мавзусида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар, хорижий ва халқаро конституциявий ривожланишини эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Президенти томонидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, конституциявий ислохотлар аҳоли фаровонлиги ва мамлакат равнақини янада юксалтиришга, унинг иқтисодий қудратини ва дунёдаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга қаратилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Конституциявий нормаларнинг экологик сиёсатни амалга оширишдаги ўрни ва аҳамияти

Мамлакатимизнинг янги ривожланиш босқичига барча соҳалар қатори атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларнинг инсон саломатлигига салбий таъсири олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар барқарор ривожланиш кафолати бўлмоқда.

Бу ислохотларнинг ҳуқуқий асослари эса, Конституциямизда ўз ифодасини топган.



Ислом ХУШВАҚТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон Экологик партияси
фракцияси аъзоси

Хусусан, Асосий қонунимизнинг 50-моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", деб белгилаб қўйилган. Бу ўз навбатида, фуқароларнинг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, ҳайвонот, ўсимликлар дунёси ва бошқа табиий захиралардан оқилона фойдаланишини, уларни тиклаш, муҳофаза қилишни ҳамда ушбу мажбу-

риятни ўз вақтида бажаришни тақозо этади.

Бош қонунимизнинг 54, 55 ва 100-моддаларида эса, юридик ва жисмоний шахсларга атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари акс этган. Биргина 54-моддада табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи мазмунини белгиловчи мулкдор ваколатлари тартибга солин-



ган ҳамда бундай хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолияти атроф табиий муҳитга зарар етказмаслиги мустаҳкамланган.

Давлат экологик сиёсатининг асослари 55-моддада ўз аксини топган бўлиб, унда ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойлик экани, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидалиги белгиланган. Ушбу конституциявий меъёрлар асосида мамлакатимизда экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида ўттиздан зиёд қонун, уч юзга яқин қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Ўндан ортиқ халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Аммо бугун юзага келган глобал экологик муаммолар ҳамда мамлакатда экологик муҳитга таъсир билан боғлиқ ишлаб чиқаришнинг шиддатли ривожланиш жараёнларида "Инсон қадри учун" тамойилига асосланган давлат экологик сиёсатининг ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштиришни тақозо этади.

Президентимиз мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 29 йиллигига бағишланган байрам табригида ҳозирги вақтда кўплаб ривожланган давлатлар, табиатдаги глобал ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўз Конституцияларига экологияга оид махсус боблар киритилганини, Бош қомусимизда ушбу йўналишга доир ҳуқуқий нормалар устувор ўрин эгаллаши лозимлигини таъкидлангани ҳам бежиз эмас. Зеро, Конституцияда экологик ҳуқуқлари тўғрисидаги моддаларнинг киритилиши "Инсон қадри учун" деган устувор тамойилни тўлиқ рўёбга чиқариш имконини яратади.


Сир эмаски, иқтисодий ўсишнинг анъанавий моделидан "яшил иқтисо-

диёт"га ўтиш нафақат алоҳида миллий иқтисодиётни, балки бутун сайёра барқарорлигини белгилайдиган глобал тенденциядир. Шу боис "яшил ўсиш" кўплаб давлатларнинг мақсади глобал экологик муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим воситаси сифатида Конституциясида акс эттирилган.

Шу маънода, Ўзбекистон "яшил" иқтисодиётни таъминлаш учун инновацион "яшил" инвестицияларни рағбатлантириш, иқтисодиётга экологик тоза технологияларни, хусусан, "яшил" энергетика, "яшил" технологияларни, "ақлли" шаҳар ва қишлоқ хўжалиги принципларини тўлиқ жорий этиш каби экологик масалаларни илгари сурмоқда. Бу жараёнда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги тизимнинг самарасини ошириш мақсадида Конституцияда аҳолининг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, атроф-муҳит муҳофазасига жамиятнинг барча кучларини жалб этиш ҳамда бутун дунё ҳамжамияти тан олган миллий ташаббусларни татбиқ этиш жараёнларини янада кучайтириш бўйича конституциявий асосларни белгилаб қўйиш лозим. Чунки конституциявий нормаларнинг экологик сиёсатни амалга оширишдаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Умуман олганда, Конституция мамлакатимизда инсоннинг қулай табиий муҳитга эга бўлиш ва мамлакатнинг экологик хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳақиқий ҳаёт қомусига айланиши керак. Зотан, унда экология соҳасидаги конституциявий ва халқаро талабларни мустаҳкамлаш нафақат мамлакатимиз, балки минтақа мамлакатлари экологик хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.



Маълумки, мамлакатимиз иқтисодийётида глобаллашув жараёнларининг кечиши, меҳнат бозорининг кенгайиши ва ўсиши, хусусий секторнинг юзага келиши ва ривожланиши меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига риоя қилинмайдиган турли меҳнат шартномалари ва фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларнинг тузилиши каби ҳолатларнинг юз беришига олиб келмоқда.

Муносиб меҳнат ҳуқуқи кафолати

Мамлакатимиз Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахснинг адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ҳуқуқларининг кафолатланиши ишлаб чиқаришдаги турли хавф-хатарлардан муҳофаза этишда муҳим омил бўлмоқда. Бироқ шундай бўлса-да, хавфсизлик техникаси қоидаларининг бузилиши оқибатида иш берувчи билан меҳнат муносабатига киришиб ишлаётган ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига жиддий зарар етказиш ҳолатлари давом этмоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотида кўра, ҳар йили 2,3 миллион нафарга яқин эркак ва аёл иш жойидаги бахтсиз ҳодисалар ёки иш билан боғлиқ касалликлар натижасида вафот этади. Дунё бўйлаб ҳар йили тахминан 340 миллионга ишлаб чиқариш бахтсиз ҳодисалари ва 160 миллионга касб касалликлари қурбонлари рўйхатга олинади.

Меҳнатни муҳофаза қилишни малакали ва профессионал ташкил этиш корхонада шикастланишларнинг олдини олишнинг муҳим омилдир. Қолаверса, тадбиркорлик фаолиятининг янги йўналишларини очишга, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари бозорини янада ривожлантиришга тurtки бўлади.

Масалан, Германия Конституциясида ҳар кимга ва барча касб эгаларига меҳнат, иқтисодий шароитларни муҳофаза қилиш ҳамда яхшилаш учун уюшмалар тузиш ҳуқуқи кафолатланиши, ушбу ҳуқуқни чеклашга ёки унинг амалга оширилишига тўсқинлик қилишга қаратилган битимлар ўз кучини йўқотиши ва бунга қаратилган чоралар қонунга зид экани белгиланган.

Туркия Конституциясида давлат меҳ-



Музаффаржон МАМАСИДДИКОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

наткашларнинг турмуш даражасини ошириш учун зарур чораларни кўриши, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат шaroитларини яхшилаш ва қулай иқтисодий шароит яратиш, ишсизликнинг олдини олиш учун чора-тадбирлар кўриши белгилаб қўйилган.

Швеция Конституциясига кўра, давлат ҳокимияти барча инсонларнинг эркинлиги ва кадр-қимматини ҳурмат қилган ҳолда фаолиятини амалга ошириши, давлатнинг асосий мақсади шахсларнинг иқтисодий ва маданий фаровонлигини таъминлаш, хавфсизлик ва яшаш шароитларини яхшилашдан иборатдир.

Бу мамлакатимиз Конституциясида ҳам барчага қулай меҳнат шaroитларида ишлаш ҳуқуқини кафолатловчи нормалар бўлишини тақозо этади. Ўз навбатида, бу меҳнатни муҳофаза қилиш тизими самарадорлигини ошириш, одамларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя этишга масъулият билан муносабатда бўлишини таъминлаш, меҳнат шaroитларини яхшилаш имконини беради.

Мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси доирасида халқ ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Бу авваламбор иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва бошқа йўналишларда ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ишларга кўзга ташланмоқда.

ХАЛҚ МУАЛЛИФЛИГИДА ЁЗИЛГАН ҲУЖЖАТЛАРГИНА ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Музафара АБДИЕВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Аммо инсон қадри ва манфаатларининг юксалиши, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорлик учун қулай бўлган ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳолининг ижтимоий таъминотини тўлақонли таъминлаш борасида бошланган ишлар нафақат қабул қилаётган қонунларимизни, шу билан бирга, барча ҳуқуқий

фаолиятимиз учун мустақам асос бўлган Бош қомусимизни ҳам бугунги замон талаблари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришни талаб этмоқда.

Эътиборли жиҳати — бунда ҳам энг аввало, фуқароларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаш, улар томонидан билдирилган ҳар бир таклиф ва ташаббусларни эъти-

борга олишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Боиси, ушбу ташаббус Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият кўрсатаётган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциялари томонидан кун тартибига олиб чиқилган. Бу борадаги дастлабки таклифлар



бир йил олдин юртдошларимиз томонидан ҳам илгари сурилган эди.

Жумладан, ўтган Президентлик сайловлари арафасида давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги сайловчилар билан бўлган учрашувида юртдошларимиз томонидан бугун экологик муаммолар кун сайин салбий тус олаётгани, инсонларнинг экология билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби нормалар Бош қомусимизда ҳам ўз аксини топиши борасидаги ташаббуслар илгари сурилган эди.

Шу боис жорий йил 20 май куни Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси кенгашларининг қўшма мажлиси ўтказилиб, Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш катта куч ва масъулият талаб қилиши, халқимизнинг фикрини тинглаш зарурлиги қайд этилди. Ушбу вазифалар билан шуғулланувчи Конституциявий комиссия ташкил этилди. Бевосита фуқаролар билан мулоқот олиб бориш мақсадида ушбу комиссиянинг матбуот хизмати фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Мазкур Конституциявий комиссия таркибига барча ҳудудлардан халқ вакиллари бўлган депутатлар, сенаторлар, жамиятнинг турли қатламлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, етук ҳуқуқшунос ва сиёсатшунослар ҳамда бошқа бир қатор соҳа вакиллари ва экспертлар киритилди.

Ушбу комиссия аъзолари томонидан юртдошларимиз учун нафақат республикамиз ҳудудида, шу билан бирга, дунёнинг исталган жойида туриб Конституциямизни ўзгартириш учун таклиф бериш имконияти яратиб берилди. Хусусан, қисқа вақт ичида Конституцияни такомиллаштириш учун фуқароларга ўз таклифларини билдиришининг бир неча кўринишдаги имкониятлари яратилди. Айтиш кунда юртдошларимиз Meningkonstitutsiyam.uz портали ҳамда махсус Telegram-бот ва колл-марказ орқали таклифларини билдиришмоқда.

Шу билан бирга, жойларда соҳа вакиллари ҳамда фаоллар томонидан турли хил кўринишдаги учрашув ва давра суҳбатлари ҳам ташкил этилиб, уларнинг таклифлари тингланмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, конституциявий ўзгаришлар, қонунчилигимизни такомиллашти-

риш билан биргаликда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш учун ҳам муҳим бўлган зарурат ҳисобланади.

Сабаби, Тараққиёт стратегиясида белгиланган инсон манфаатлари ва жамият тараққиётини таъминловчи мантиқий кетма-кетликдаги еттита йўналиш ва юзта мақсадни биринчи навбатда, бугунги глобал ўзгаришларга юз тутган дунё ҳамжамиятидаги ислохотларга мос ва ҳамоҳанг тарзда амалга ошириш ҳаётий зарурат саналади.

Жумладан, Тараққиёт стратегиясида белгиланган Давлат бошқаруви органлари фаолиятини "фуқарога хизмат қилишга йўналтириш" тамойили асосида трансформация қилиш, мулкӣ ҳуқуқларнинг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкӣ муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш, қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш каби бир қатор мақсадларни



амалга ошириш айнан конституциявий ислохотлар натижаси билан бевосита боғлиқ саналади.

Боиси, сўнгги йилларда конституциявий ўзгаришлар амалга оширилган мамлакатларда қонун устуворлигини таъминлаш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий адолат тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилган.

Шу сабабли конституциявий ислохотларда аввал амал қилган "давлат — жамият — инсон" тамойили янги "инсон — жамият — давлат" та-

мойилига ўзгартирилиб, конституциявий қонунчилик ва конституциявий амалиётда мустаҳкамланмоқда. Шу билан бирга, иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини ошириш, Конституцияда давлат ёшлар сиёсати, уларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, ҳуқуқи ва манфаатларини акс эттириш каби йўналишларга устуворлик қаратилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугун амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар, аввало, аҳоли фаровонлиги ва мамлакат равнақини янада юксалтиришга,

Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш орқали дунё ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шу боис, ҳар биримиз Янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанси учун амалга ошириладиган ислохотларнинг ҳамда инсон манфаатларини кўзлаб қабул қилинувчи қарор ва қонунларимизни мустаҳкам ҳуқуқий замини бўлган Бош қомусимизнинг ҳар бир боби ва моддалари бўйича ўз фикримизни билдиришимиз даркор.

Зеро, халқ муаллифлигида ёзилган ҳужжатларгина фақат ва фақат тараққиётга хизмат қилади.

Мамлакатимиз Конституцияси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципиал қоидаларини ўзига мужассам этган холда, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароитини яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

Инсон шаъни ва шахсий ҳаёти дахлсиздир



Гулчехра ТўЛАГАНОВА,

*Тошкент давлат юридик университети
профессори, юридик фанлар доктори*

Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатларда ҳам инсоннинг шаъни, обрўси, шахсий ҳаёти ва турар жой дахлсизлиги ҳақидаги қоидалар мавжуд. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасида "Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашади, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай

аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга", дейилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 17-моддасида "Ҳеч ким ўзининг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашади, ўзининг уй-жойи ёки ёзишмалари сирини дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилинишига ёки унинг ор-номуси ва шаънига ноқонуний тажовуз қилинишига дучор этилиши мумкин эмас. Ҳар

бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовузлардан қонун орқали ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга", дейилган.

Мазкур умумэтироф этилган қоидалар мамлакатимиз Конституциясида ўз ифодасини топган. Хусусан, Конституциямизнинг 27-моддасида инсоннинг шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашадан ҳимояланиш, турар жойи дахлсизлиги кафолатлари белгиланган. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Ушбу нормада инсоннинг энг зарур шахсий конституциявий ҳуқуқлари ўрин олган. Шахсий ҳаёт аралашадан ҳимояланиш деганда, инсоннинг шахсий ҳаёти ҳолатларини ошкор этиш ман этилиши,



яъни шахс суверенитети тушунилади. Шахсий ҳаёт бу инсоннинг ноформал муносабатлари, мажбурий алоқалари (адвокатлар, врачлар, нотариуслар ва бошқалар билан), инсоннинг шахсий ички дунёси (кечинмалари, ишончи, кундалик ҳаёти, дам олиши, қизиқишлари, одатлари, уйдаги ҳаёти ва ҳ.к.), оилавий алоқалари, диний дунёқарашларидир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз қончилигида ҳам ушбу конституциявий ҳуқуқлар принцип даражасида мустаҳкамланган. Амалдаги Фуқаролик кодексининг 1-моддасида хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўйилмаслиги

принципи мавжуд. Ушбу кодекснинг 100-моддасида эса, шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш қоидалари белгиланган.

Жиноят процессуал кодексининг 17-моддасида "Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш" принципи мустаҳкамланиб, унда "Инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлиғини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади", дея қайд этилган. Кодекснинг 18-моддасида эса, "Фуқароларнинг шахсий

ҳаёти, уларнинг турар жойлари дахлсизлиги, ўзаро ёзишмалари, телеграф алоқалари ва телефон орқали сўзлашувларининг сир сақланиши қонун билан қўриқланади. Шахс эгаллаб турган турар жой ёки бошқа бино ва ҳудудда тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, кўздан кечириш, алоқа муассасаларида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва уларни олиб қўйиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларни эшитиб бориш фақат ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши мумкин", деб белгиланган.

Шунингдек, "Тезкор-қидирув фаолияти

тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасида инсоннинг шахсий ҳаёти ҳолатларига оид маълумотларнинг ошкор этилишига олиб келадиган, унинг ҳаётини, соғлиғини хавф остига қўядиган, шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланиши, 13-моддасида фуқароларнинг шахсий ҳаётига тегишли, шаъни ва қадр-қимматига дахлдор маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этмаслик белгиланган.

Айтиш керакки, шахсий ҳаёт дахлсизлиги узлуксиз қувватлаб туриладиган жараён бўлиб, унда фуқаронинг турмуш фаолияти соҳасидаги ҳуқуқий мақоми амалга оширилади. Агар фуқаронинг шахсий ҳаёт ҳуқуқини бир қанча ошкор этилмаслиги кафолатланган сирларнинг йиғиндиси деб тасаввур этилса, уларнинг ичида қуйидагиларни ажратиш мумкин: шахсий сирлар (ҳеч кимга ошкор этилмайдиган) ва касбий сирлар (фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан маълум касб эгаларига ошкор этиладиган). Шу маънода шахсий сирларга ижод ва ўзаро муносабатлар; оилавий сирлар; турар жой, кундалиқлар, шахсий ҳужжатлар, почта-телеграф жўнатмалари ва теле-

фон сўзлашувлари киради. Касбий сирларга тиббиёт, банк, суд ҳимояси ва вакиллик, фарзанд асраб олиш, дастлабки тергов, нотариал ҳаракатлар, фуқаролик ҳолатини қайд этиш сирларини киритиш мумкин.

2017 йил 1 апрелдан бошлаб почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйишга фақат суд қарори асосида йўл қўйилади (ЖПКнинг 166-моддаси). Шахс тўғрисидаги ахборотларни ҳимоя қилиш мумкин, чунки шахсий муносабатлар соҳасига ҳар қандай ташқаридан ноқонуний аралашув шахснинг шаънини камситиш билан бирга, уни ташқаридан бошқариш объектига айлантиради, шахсий ҳаёт дахлсизлигига таҳдид солади.

Бугунги кунда техник кузатув воситаларининг такомиллашиб бориши индивидуал маълумотларни беҳисоб тарзда тўплаш, сақлаш ва улардан фойдаланишга имкон берувчи компьютер тизимлари ва ахборот тармоқларининг ривожланиши шахсий ҳаёт соҳасига ҳеч бир тўсқинликсиз аноним тарзда кириб боришга имконият яратади. Жумладан, шахсларга бошқа шахсларнинг автомашиналари йўл қоидалари бузганлигини фотосурат орқали тегишли органга жўнатиб, ундан фоиз

олиши тўғрисидаги меъёрий қоидалар шахсий ҳаётга аралашмаслик конституциявий қоидасига зид ҳисобланади. Шу жиҳатдан шахсий ҳаёт дахлсизлигини сақлаш шакллари ҳам ўзгариб, такомиллашиб бормоғи лозим.

Шахсий ҳаёт ҳуқуқи индивид ҳаётининг хусусий томонларини давлат томонидан назорат этилмасликда эркинлиги, унинг автономлиги ва ўз ўзини бошқаруви ғояларига асосланади. Бу шундай соҳаки, унга ҳуқуқий регламентациялар таъсир этмаслиги ва унинг доиралари қонун орқали муҳофаза этилиши керак. Бу доиранинг ҳажмини аниқлаш мушкул, лекин ҳар қандай ҳолатда у шахсий ҳуқуқлар томонга максимал тарзда кенг талқин этилиши лозим.

АҚШ конституциявий амалиётида шахсий ҳаёт дахлсизлиги "прайвэйси" деб номланиб, баъзи ҳолларда "тинч қўйиш ҳуқуқи" деб ҳам аталади. Немис ҳуқуқ доктринасида "шахснинг ахборот суверенитети" ғояси шакллантирилган.

Шундай қилиб, шахс ҳаётининг хусусий томонлари табиий инсоний талаб ва манфаатларда мужассам бўлиб, у оммавий аралашув ва назоратга қарши туради. Инсон ўз шахсий ҳаётини назорат



қилишга ва унга ҳар қандай шахс аралашувини чеклашга ҳақли.

Турар жой дахлсизлиги ҳам инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига мансуб бўлиб, унинг шахсий ҳаётини муҳофаза қилишга хизмат қилади. Ушбу ҳуқуқ шахснинг турар жойига ҳеч ким қонунда кўрсатилган асосларсиз киришга ҳақли эмаслиги қонунда оқали амалга оширилади. Турар жой дахлсизлиги деганда, шахсий, бегоналар кириши мумкин бўлмаган, қулай шароитларда яшашни таъминловчи, шахснинг хусусий ҳаётидаги табиий жараёнлар ҳақидаги ахборотлар, шахсий ва оила сирлари сақланишини

кафолатловчи ёпиқ ҳудуд тушунилади.

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳасида кўплаб тизимли ислохотларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида Бош қомусимизга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш давр тақозосидир.

Шу жиҳатдан халқаро тажриба ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги умумэтироф этилган фундаментал принципларга асосан мамлакатимиз Конституциясининг 27-моддасини қуйидаги янги таҳрирда талқин этишни тақлиф этамиз:

"27-модда.

Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига унинг ор-номуси ва

шаънига ноқонуний аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, электрон қурилмалар орқали фото ёки видеоёзувларга олиши, уларни турли электрон сайтлар ёки бошқа воситалар орқали тарқатиши, бошқа идораларга тақдим этиши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовузлардан қонун орқали ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга".

Конституциявий ислоҳот ва ёшлар

Шу кунларда кенг жамоатчилик Конституциямизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласини қизғин муҳокама қилиб, таклифларини фаол билдирмоқда. Конституциявий комиссия ушбу таклифлар асосида тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнини бошлаб юборган.

Аделина САЙДАЛИЕВА,

*Тошкент шаҳридаги 145-мактабнинг
11-синф ўқувчиси*

Конституциявий ислоҳотлар аниқ устувор йўналишлар негизида амалга оширилмоқда. Шу устувор йўналишлардан бири Конституцияда давлат ёшлар сиёсатини, навқирон авлоднинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини, уларнинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва мажбуриятларини акс эттиришга қаратилгандир.

Ёшлар вакили сифатида мен ҳам айна жараёнларни нафақат катта қизиқиш билан кузатиб бораяпман, балки конституциявий ислоҳотлардек ўта муҳим тарихий воқеликнинг бевосита иштирокчиси бўлишни истайман. Шунинг учун бу борада ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Фикримча, Конституциямизда, авваламбор, иқтидорли ёшларнинг, моддий аҳволдан қатъи назар, таълим олишни давом эттириши кафолатланган бўлиши зарур. Чунки ёшлар, Ватанимизнинг айнан билимли ва иқтидорли фарзандлари Учинчи Ренессанс пойдеворини тиклайдиган Янги Ўзбекистон бунёдкорларидир.

Ҳар ким Интернет имкониятларидан эркин, кенг ва қулай фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Бу норманинг Асосий Қонунда акс этиши бугунги аҳборотлашган жамият, қолаверса, тараққиёт ва истиқбол тақозоси ҳисобланади, деб ўйлайман.

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатлами, айниқса, ёшларнинг иш билан таъминланиши кафолатлари ҳам янгиланган Конституцияда кўзда тутилиши ке-



рак. Зеро, навқирон авлоднинг мунтазам даромад манбаига эга бўлишига конституциявий-ҳуқуқий шароит яратиш БМТ ва Ўзбекистоннинг камбағалликка барҳам бериш борасидаги жорий сиёсатига тўлиқ мос келади.

Шу билан бирга, амалдаги Конституциянинг хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги қайд этилган 46-моддасини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ, деган фикрдаман. Бунда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан кейинги йилларда аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини фаоллаштириш, ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш, ҳимоясини кучайтириш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари руҳидан келиб чиқилиши айна муддаодир.

Яна бир таклиф: жамият аъзолари ҳар қандай мансабдор шахсдан ҳисобот талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги Конституцияда алоҳида норма билан кафолатлаб қўйилиши керак.

Конституциявий ислоҳотлар аҳоли фаровонлиги ва мамлакат равнақини изчил юксалтиришга, унинг иқтисодий қудратини ва дунёдаги рақобатбардошлигини мустақкамлашга қаратилган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади. Шундай экан, ҳар биримиз бу ислоҳотларга ўз ҳиссамизни қўшиб, Янги Ўзбекистоннинг Янги Асосий қонунини том маънода халқчил ҳужжат мақомига эга бўлишига эришмоғимиз лозим.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
Қ А Р О Р И

2022 йил 14 май

№ 6

Тошкент шаҳри

Жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқишга тайёрлаш бўйича суд амалиёти тўғрисида

Судларга жиноят ишларини биринчи инстанцияда муҳокама қилишга тайёрлаш ва дастлабки эшитув ўтказиш тартиби бўйича масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ҳамда жиноят-процессуал қонуни бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадига, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларнинг эътибори жиноят ишларини биринчи инстанцияда муҳокама қилишга тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) 49 ва 49¹-бобларида назарда тутилган талабларга қатъий риоя этиш зарурлигига қаратилсин.

2. ЖПК 396-моддасига мувофиқ, жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида судья ҳар бир айбланувчига нисбатан қуйидаги ҳолатларни аниқлаши шарт:

иш мазкур суднинг судловига тегишлими;

ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун асослар етарлими;

суриштирув ва даст-

лабки тергов ўтказиш чоғида ЖПК талабларига риоя қилинганми;

айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганми;

жиноят оқибатида етказилган мулкий зарар қопланишини таъминлаш чоралари кўрилганми;

айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси ЖПК талабларига мувофиқ тузилганми;

дастлабки эшитув ўтказиш учун асослар борми.

Судья, шунингдек, биринчи инстанция суди томонидан жиноят иши холисона, ўз вақтида ва тўғри ҳал қилилишини таъминлаш мақсадида ушбу масалалар бўйича қонунда назарда тутилган процессуал қарорлар

қабул қилиниши ва ҳаракатлар бажарилишига зарурат бор-йўқлигини аниқлайди.

3. Судья ЖПК 395-моддасининг биринчи қисмига кўра, жиноят ишини судда кўриш учун тайёрлаш чоғида қонуннинг ушбу нормасида назарда тутилган ажримлардан бирини ёки ишни дастлабки терговда йўл қўйилган техник йўсиндаги камчиликларни бартараф этиш учун прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

4. Тушунтирилсинки, жиноят ишини судловга тегишлилик қоидаларига риоя этган ҳолда бошқа судга ўтказаетганда, суд зарурат бўлганда, эҳтиёт чораси тўғрисидаги масалани ЖПК 395-модда-

сига мувофиқ, чиқариладиган ажримда ҳал этиши мумкин.

Жинойат иши судловга тегишлилиги бўйича юборилганда, ЖПК 396-моддаси биринчи қисмининг 2, 3, 5 - 7-бандларида кўрсатилган масалалар суд томонидан ҳал этилмайди.

5. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида судья ЖПК 396-моддасининг 4-бандига амал қилган ҳолда, иш бўйича арз қилинган илтимосномалар бор-йўқлигини аниқлаши лозим. Бунда фақат асосланган, текширишни талаб этмайдиган (масалан, ишда ҳимоячи иштирок этишига рухсат бериш тўғрисидаги, судга қўшимча гувоҳларни чақириш тўғрисидаги, ҳужжатлар талаб қилиб олиш тўғрисидаги, хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисидаги ва ҳоказо) илтимосномалар қаноатлантирилиши мумкин.

Судьянинг ҳар бир арз қилинган илтимоснома бўйича қарори ишни суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисидаги ажримда акс эттирилади.

6. Ишни суд мажлисида кўриб чиқиш учун асос етарлилиги тўғрисидаги масалани ЖПК 396-моддасининг 2-бандига мувофиқ, ҳал қилиш чоғида судья ЖПК 82-моддасида назарда тутилган талаблардан келиб чиқиши лозим. Уларга кўра, суриш-

тирув ва дастлабки тергов органлари томонидан иш бўйича қуйидагилар аниқланган бўлиши керак:

жинойат объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;

жинойат содир этилган вақт, жой, усул, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлар;

қилмиш ва келиб чиққан ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;

жинойат ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;

жинойат тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги;

жинойат сабаблари ва мақсадлари;

айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

Суриштирув ёки дастлабки тергов органи томонидан ушбу талаблардан бирортаси бажарилмаган тақдирда, иш бўйича дастлабки эшитув ўтказиш учун асослар мавжуд бўлади.

7. Судья ЖПК 396-моддасининг 3-бандига мувофиқ, суриштирув ва дастлабки терговни юритиш чоғида жиноят ишини кўзғатиш ва юритиш асослари ҳамда тартибини белгиловчи ЖПК талабларига риоя

этилганлигини аниқлаши зарур.

Жиноят-процессуал қонуни нормалари жиддий бузилганлиги (масалан, бошқа шахсга нисбатан янги айблов бўйича ажратилган материаллар бўйича жиноят иши кўзғатмасдан суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказилганлиги), суд томонидан суд муҳокамаси чоғида бар-тараф этиб бўлмайдиган бошқа қоидабузарликлар (масалан, ЖПК 76-моддасида назарда тутилган асосларга кўра рад этилиши лозим бўлган суриштирувчи, терговчи томонидан процессуал ҳаракатлар амалга оширилганлиги, суриштирув ёки тергов гуруҳига киритилмаган шахс томонидан суриштирув ёки дастлабки тергов амалга оширилганлиги ва ҳоказо), шунингдек, ЖПК 405¹²-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланса, иш бўйича дастлабки эшитув ўтказилиши керак.

8. Судларга тушунтирилсинки, ишни судда муҳокама қилиш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган муҳим ҳолатлардан бири айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганлиги тўғрисидаги масала ҳисобланади.

Эҳтиёт чораси ўзгартирилганда судьянинг ажримда бундай қарор қабул қилиш заруратини

тасдиқловчи далиллар ва важлар келтирилган асослар кўрсатилиши лозим.

Қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинган ёхуд ўзгартирилганда қамоқда ёки уй қамоғида бўлган шахс дарҳол озод қилиниши керак (уй қамоғи қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилган ҳоллар бундан мустасно).

9. ЖПК 396-моддасининг 5-банди ва 398-моддасига мувофиқ, судья жиноят оқибатида етказилган мулкий зарар қопланишини таъминлайдиган чораларни кўришга ҳақли.

Жиноят иши материалларида ёки тараф тақдим этган материалларда айбланувчида хатлаб қўйилиши мумкин бўлган пул маблағлари, қимматликлар ёки бошқа мол-мулк мавжудлиги тўғрисида маълумотлар йўқлиги даъвони таъминлаш чоралари бевосита суд томонидан қўлланилиши имкониятини истисно этса, судья ажрим билан зарур чоралар кўриш мажбуриятини суриштирувчи ёки терговчига юклайди. Бундай ҳолларда суднинг ажримини ижро этиш муддати, ЖПК 405-моддасининг биринчи қисми мазмунидан келиб чиқиб, ўн суткадан ошмаслиги лозим.

10. Жиноят ишини ЖПК 401¹-моддасида кўрсатилган асосларга кўра прокурорга юбориш

тўғрисидаги масалани ҳал қилишда, суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида йўл қўйилган техник йўсиндаги камчиликлар деганда, жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор, айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси, шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор ёзувида йўл қўйилган хатолар, ҳарфий хатолар ва арифметик хатолар тушунилади.

11. Ишни ЖПК 403-моддасига мувофиқ, суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича судья кўриши лозим бўлган бошқа чораларга, шунингдек, қамоқда ёки уй қамоғида сақланаётган шахслар судга олиб келинишини таъминлаш, ишда иштирок этишга таржимонни жалб этиш, хавфсизлик чораларини таъминлаш, суд мажлисини видео-конференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш киради.

12. Иш суд муҳокамасига тайинлангандан сўнг судья ЖПК 402-моддасида кўрсатиб ўтилган шахсларнинг, шунингдек, ишга янгидан киришган ҳимоячининг, жабрланувчи вакилининг илтимоси бўйича, уларга иш билан танишиш учун иш материаллари ҳажмини ҳисобга олиб, оқилона муддат белгилаган ҳолда, имко-

ният яратиши шарт.

Иш материаллари билан танишиб чиққанлик тўғрисида илтимоснома берган шахсдан тилхат олиниб, у ишга қўшиб қўйилади.

13. Суд ЖПК 405³-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, иш бўйича тарафларнинг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради.

14. Тушунтирилсинки, ЖПК 395 ва 405¹¹-моддалари мазмунига кўра, жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома айбланувчи томонидан айблов далолатномаси ёки айблов хулосасининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан уч сутка ичида берилиши мумкин. Бундай ҳуқуқи борлиги тўғрисида айбланувчига прокурор томонидан айблов далолатномаси ёки айблов хулосасининг кўчирма нусхаси топширилаётган пайтда тушунтирилади.

Судья айблов далолатномаси ёки айблов хулосасининг кўчирма нусхаси айбланувчи томонидан олинган кундан эътиборан уч сутка ўтгандан сўнг берилган дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани, башарти илтимоснома бериш муддати ўтказиб юборили-

ши сабаблари узрли эмас деб топилса, рад этишга ҳақли.

Жиноят иши суд муҳокамасига тайинлангандан сўнг дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида берилган илтимоснома ҳам рад этилиши лозим.

15. Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ЖПК 405⁶-моддасида белгиланган тартибда ўтказилиши лозим.

Дастлабки эшитув судья томонидан дастлабки эшитув тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарилган пайтдан эътиборан беш суткадан кечиктирмай бошланиши ва унинг давомийлиги ўн суткадан ошмаслиги керак.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, дастлабки эшитув ўтказиш муддатларини узайтириш қонунда назарда тутилмаган.

16. ЖПК 405⁷ ва 410-моддаларига мувофиқ, судья қуйидаги ҳолларда жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради, агар:

айбланувчи яширинган бўлса ва унинг турган жойи маълум бўлмаса;

айбланувчи оғир ва давомли касалликка чалинган бўлиб, бу ҳолат унинг суд мажлисида иштирок этишига тўсқинлик қилса.

Айбланувчи яширинган бўлиб, унинг турган жойи маълум бўлмаса, судья иш юритишни тўхтатиб туриш билан бир вақтда

унга нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш тўғрисида ажрим чиқаради. Айбланувчига нисбатан қидирув эълон қилинганлиги муносабати билан юритилиши тўхтатилган жиноят иши суд ажримини ижро этиш учун айблов далолатномаси ёки айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга юборилади.

Иш юритишни тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳолатлар бартавраф этилгандан сўнг жиноят иши бўйича иш юритиш қайта тикланади ва бу ҳақда судья ажрим чиқаради.

17. Судларга тушунтирилсинки, бир неча айбланувчидан фақат биттасига нисбатан жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиш учун асослар мавжуд бўлганда, бошқаларига нисбатан жиноят иши муҳокамаси давом эттирилади. Бу қоида суд томонидан иш юритиш тўхтатиб турилган айбланувчи иштирокисиз ишни кўриб чиқиш имконияти йўқ деб топилган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди.

18. Судларга тушунтирилсинки, ЖПК 83-моддасида, 84-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган иш юритишни истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, судья ишни суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида ишни тўлиқ ёки қисман ёхуд айрим айбланувчиларга нисбатан

тугатиши, шунингдек, айбловнинг айрим эпизодларини чиқариши лозим.

Жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан ёки амнистия тўғрисидаги акт асосида ишни тугатиш масаласини ҳал этиш чоғида шуни назарда тутиш лозимки, мазкур асослар бўйича ишни тугатиш, фақат иш материалларида ёки тараф тақдим этган материалларда айбланувчи бунга розилиги мавжуд бўлганда, мумкин бўлади.

ЖПК 84-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, судья ишни тугатишга ҳақли.

Ишни тугатиш чоғида суд қўлланилган эҳтиёт чораларини, фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини бекор қилади ҳамда ашёвий далиллар тўғрисидаги масалани ҳал этади.

19. Шуни назарда тутиш лозимки, дастлабки эшитув чоғида жиноят ишини суд томонидан мазмунан кўриб чиқиш ва қонуний, асосланган, адолатли қарор қабул қилиш учун тўсқинлик қиладиган процессуал қонуннинг жиддий бузилиши аниқланганда, иш ЖПК 405¹²-моддасига мувофиқ, прокурорга юборилади. Бундай камчиликларга, хусусан, қуйидаги ҳоллар киради, агар:

айблов далолатномаси

ёки айблов хулосаси ЖПК талаблари бузилган ҳолда тузилган бўлса;

тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор билан бирга судга юборилган жиноят иши бўйича айблов далолатномасини ёки айблов хулосасини тузиш зарурати бўлса;

жиноят ишларини бирлаштириш учун ЖПК 332-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса;

айбланувчи жиноят иши материаллари билан танишаётганда унга ЖПК 375 ва 381¹³-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқлар тушунтирилмаган бўлса;

айблов далолатномасида ёки айблов хулосасида, жиноят ишини тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун судга юбориш тўғрисидаги қарорда баён этилган ҳақиқий ҳолатлар айбланувчининг, ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида иш юритилаётган шахснинг хатти-ҳаракатларини оғирроқ жиноят, ижтимоий хавfli қилмиш сифатида квалификация қилиш учун асослар мавжудлигидан далолат берса ёки бундай ҳолатлар мавжудлиги дастлабки эшитув жараёнида аниқланган бўлса.

20. Жиноят ишини ЖПК 405¹²-моддаси биринчи қисмининг 5-бан-

дида назарда тутилган асосларга кўра прокурорга юборишда судья ўз ажримда айбланувчининг, ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида иш юритилаётган шахснинг хатти-ҳаракатларини оғирроқ жиноят, ижтимоий хавfli қилмиш сифатида тавсифлаш учун асос бўлган ҳолатларни кўрсатиши шарт. Айти пайтда, судья ажримда куйидагиларни кўрсатишга ҳақли эмас:

жиноятни ёки ижтимоий хавfli қилмишни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян қайси моддаси билан квалификация қилиш лозимлигини;

далилларни баҳолаш ва айбланувчининг айбдорлиги тўғрисида хулоса қилишга.

Судья жиноят ишини прокурорга юборишда барча ҳолларда айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғрисидаги, зарурат бўлганда эса, уни қамоқда сақлаш муддатини ЖПК 245-моддасида назарда тутилган муддатларни инobatга олган ҳолда узайтириш тўғрисидаги масалани ҳал этиши шарт.

21. Дастлабки эшитув давомида бир неча шахсни айблаш бўйича ёки бир шахсни бир неча жиноятни содир этишда айблаш бўйича жиноят ишларини битта иш юритувга бирлаштириш

учун асослар аниқланганда, судья тарафларнинг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят ишларини ЖПК 395-моддаси талабларига риоя этган ҳолда битта иш юритувга бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

22. Судларга тушунтирилсинки, ЖПК 405¹¹-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, дастлабки эшитув вақтида айбланувчи, ҳимоячи, давлат айбловчиси жиноят иши материалларидаги ҳар қандай далилни, агар уларни номақбул деб ҳисобласа, чиқариб ташлаш тўғрисида илтимоснома беришга ҳақли.

Илтимосномада куйидагилар кўрсатилиши керак:

тараф чиқариб ташла-нишини илтимос қилаётган далил;

далилни номақбул деб топиш ва чиқариб ташлаш учун ЖПКда назарда тутилган асослар.

Илтимосноманинг кўчирма нусхаси, у ким томонидан киритилганлигидан қатъий назар, айблов далолатномасини ёки айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга, шунингдек, жабрланувчига илтимоснома судга тақдим этилган кунда юборилади.

Агар далилни чиқариб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома ЖПК 405¹¹-моддасининг тўртинчи қисми талабларига жавоб бермаса, судья уни

қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради ва иш бўйича суд муҳокамаси тайинлайди. Бунда судья арз қилувчига шундай илтимоснома билан суд муҳокамаси давомида судга қайта мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиради.

23. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, далилни номақбул эканлиги сабабли чиқариб ташлаш тўғрисида ҳимоя тарафи илтимосномаси важларини рад этиш вазифаси, башарти илтимоснома далиллар қонунга ҳилоф усуллар билан ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилган ёки уларнинг ҳуқуқларини чеклаган ёхуд ЖПК бошқа талабларини бузган ҳолда олинганлигига асосланган бўлса, прокурорнинг зиммасида бўлади. Қолган ҳолларда исботлаш вазифаси илтимоснома берган тараф зиммасида бўлади.

Далилни чиқариб ташлаш тўғрисидаги илтимосномани кўраётганда, судья ЖПК 405⁶-моддасининг ўн учинчи қисмига асосан, гувоҳни сўроқ қилишга ва илтимосномада кўрсатилган ҳужжатни иш материалларига қўшишга ҳақли. Бунда гувоҳ сифатида фақат тергов ҳаракатлари олиб борилиши ёки мақбуллиги низолашилаётган

ҳужжатларни олиб қўйиш ва ишга қўшиш ҳолатлари тўғрисида нимадир маълум бўлган шахслар сўроқ қилиниши мумкин.

24. Суд далилни чиқариб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилганда, мазкур далил юридик кучини йўқотади ва у ҳукмга ёки бошқа суд қарорига асос бўлиши, шунингдек, суд муҳокамаси жараёнида бу далилни текшириш ва ундан фойдаланиш мумкин эмас.

Айни пайтда ишни мазмунан кўриш давомида тарафлар илгариномақбул деб топилган ва чиқариб ташланган далилни мақбул деб топиш тўғрисида илтимоснома беришга ҳақли.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси**

**Пленум котиби,
Олий суд судьяси**

25. Судьянинг дастлабки эшитув ўтказилиши натижалари бўйича чиқарган ажрими устидан ЖПК 405¹⁵-моддасига мувофиқ, апелляция тартибида хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин.

26. Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга ишларни апелляция тартибида кўраётганда биринчи инстанция судлари томонидан жиноят-процессуал қонунининг жиноят ишларини судда муҳокама этишга тайёрлаш ва дастлабки эшитув ўтказилишини тартибга солувчи нормаларига риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин.

К. КАМИЛОВ

И. АЛИМОВ

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ****ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

14 мая 2022 год

№ 6

город Ташкент

О судебной практике по подготовке уголовных дел к рассмотрению по первой инстанции

В связи с вопросами, возникающими у судов при подготовке уголовных дел к рассмотрению по первой инстанции и порядке проведения предварительного слушания, а также в целях обеспечения единообразного и правильного применения норм уголовно-процессуального закона, руководствуясь статьей 22 Закона "О судах" Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

ПОСТАНОВЛЯЕТ:

1. Обратить внимание судов на необходимость строгого соблюдения требований, предусмотренных главами 49 и 49¹ Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее — УПК) по подготовке уголовных дел к судебному разбирательству по первой инстанции.

2. В соответствии со статьей 396 УПК при подготовке уголовного дела к судебному разбирательству судье необходимо выяснить в отношении каждого обвиняемого следующие обстоятельства:

подсудно ли дело данному суду;

достаточны ли основания для рассмотрения дела в судебном заседании;

соблюдены ли при производстве дознания и предварительного следствия требования УПК;

правильно ли избрана в отношении обвиняемого мера пресечения;

приняты ли меры, обеспечивающие возмещение имущественного вреда, причиненного преступлением;

составлено ли обвинительное заключение или обвинительный акт в соответствии с требованиями УПК; имеются ли основания для проведения предварительного слушания.

Судья также устанавливает, есть ли необходимость принятия по данным вопросам предусмотренных законом процессуальных решений и действий в целях обеспечения объективного, своевременного и правильного разрешения уголовного дела судом первой инстанции.

3. Судья в силу части первой статьи 395 УПК при подготовке уголовного дела к судебному разбирательству может вынести одно из определений, предусмотренных данной нормой закона или определение о передаче дела прокурору для устранения недостатков предварительного следствия технического характера.

4. Разъяснить, что, направляя дело другому суду с соблюдением правил подсудности, суд при необходимости может разрешить вопрос о

мере пресечения в определении, выносимом в соответствии со статьей 395 УПК.

При направлении уголовного дела по подсудности вопросы, указанные в пунктах 2, 3, 5 - 7 части первой статьи 396 УПК, судом не разрешаются.

5. При назначении уголовного дела к судебному разбирательству судья, руководствуясь пунктом 4 статьи 396 УПК, должен выяснить, имеются ли по делу заявленные ходатайства. При этом могут быть удовлетворены лишь обоснованные ходатайства, которые не требуют проверки (например, о допуске к участию в деле защитника, о вызове в суд дополнительных свидетелей, об истребовании документов, о применении мер безопасности и т.п.).

Решение судьи по каждому заявленному ходатайству отражается в определении о назначении дела к судебному разбирательству.

6. При решении в соответствии с пунктом 2 статьи 396 УПК вопроса о достаточности основания для рассмотрения дела в судебном заседании судье необходимо исходить из требований, предусмотренных в статье 82 УПК. Согласно которым органами дознания и предварительного следствия по делу должны быть установлены:

объект преступления, характер и размер вреда, причиненного преступлением, обстоятельства, характеризующие личность потерпевшего;

время, место, способ, а также другие указанные в Уголовном кодексе Республики Узбекистан обстоятельства совершения преступления;

причинная связь между деянием и наступившими общественно опасными последствиями;

совершение преступления данным лицом;

совершение преступления с прямым или косвенным умыслом либо

по небрежности или самонадеянности;

мотивы и цели преступления; обстоятельства, характеризующие личность обвиняемого.

При невыполнения органом дознания или предварительного следствия любого из этих требований имеются основания для проведения по делу предварительного слушания.

7. Судье в соответствии с пунктом 3 статьи 396 УПК необходимо выяснять соблюдены ли при производстве дознания и предварительного следствия требования УПК, устанавливающие основания и порядок возбуждения и производства уголовного дела.

При обнаружении существенных нарушений уголовно-процессуального закона (например, проведение дознания или предварительного следствия без возбуждения уголовного дела по материалам, выделенным в отношении другого лица по новому обвинению), иных нарушений, которые не могут быть устранены судом в судебном разбирательстве (например, производство процессуального действия дознавателем, следователем подлежащим отводу по основаниям, предусмотренным статьей 76 УПК, производство дознания либо предварительного следствия лицом, не включенным в группу дознания либо следственную группу и т.п.), а также обстоятельства, предусмотренные в части первой статьи 405¹² УПК, по делу подлежит проведение предварительного слушания.

8. Разъяснить судам, что одним из важных обстоятельств, подлежащих выяснению при назначении дела к судебному разбирательству, является вопрос о правильном избрании в отношении обвиняемого меры пресечения.

При изменении меры пресечения в определении судьи должны быть указаны основания с приведением

доказательств и доводов, подтверждающих необходимость принятия такого решения.

При отмене либо изменении меры пресечения в виде заключения под стражу или домашнего ареста лицо, находящееся под стражей или под домашним арестом, подлежит немедленному освобождению (за исключением случаев изменения меры пресечения в виде домашнего ареста на содержание под стражей).

9. В соответствии с пунктом 5 статьи 396 и статьей 398 УПК судья вправе принять меры, обеспечивающие возмещение имущественного вреда, причиненного преступлением.

Если в материалах уголовного дела или в материалах, представленных стороной, отсутствуют сведения о наличии у обвиняемого денежных средств, ценностей и другого имущества, на которые может быть наложен арест, что исключает возможность принятия мер по обеспечению иска непосредственно судом, судья определением обязывает дознавателя или следователя принять необходимые меры. Исходя из смысла части первой статьи 405 УПК, срок исполнения определения суда в таких случаях не должен превышать десяти суток.

10. При решении вопроса о передаче уголовного дела прокурору по основаниям, указанным в статье 401¹ УПК, под допущенными в ходе дознания или предварительного следствия недостатками технического характера следует понимать, описки, опечатки и арифметические ошибки, допущенные в тексте постановления о привлечении к уголовному делу в качестве обвиняемого, в обвинительном акте или обвинительном заключении, а также в постановлении о направлении дела в суд для принятия принудительных мер медицинского характера.

11. К иным мерам по подготовке

дела к судебному разбирательству, которые должны быть приняты судьей в соответствии со статьей 403 УПК, относятся также обеспечение доставки в суд лиц, содержащихся под стражей либо под домашним арестом, привлечение к участию в деле переводчика, обеспечение мер безопасности, решение вопросов, связанных с проведением судебного заседания в режиме видеоконференцсвязи.

12. После назначения дела к судебному разбирательству судья по просьбе лиц, перечисленных в статье 402 УПК, а также вновь вступившего в дело защитника, представителя потерпевшего должен предоставить им возможность ознакомления с делом, определив разумные сроки с учетом объема материалов дела.

О состоявшемся ознакомлении с материалами дела у лица, заявившего ходатайство, отбирается расписка, которая приобщается к делу.

13. Суд при наличии оснований, предусмотренных в части второй статьи 405³ УПК, по ходатайству сторон по делу или по собственной инициативе, выносит определение о проведении предварительного слушания по уголовному делу.

14. Разъяснить, что по смыслу статьи 395 и 405¹¹ УПК ходатайство о проведении по уголовному делу предварительного слушания может быть заявлено в течении трех суток со дня получения обвиняемым копии обвинительного акта или обвинительного заключения. О наличии такого права обвиняемому разъясняется прокурором при вручении копии обвинительного акта или обвинительного заключения.

Судья вправе отказать в удовлетворении ходатайства о проведении предварительного слушания, заявленного по истечении трех суток со дня получения обвиняемым копии обвинительного акта или обвини-

тельного заключения, если причины пропуска срока подачи ходатайства признаны неубажительными.

Ходатайство о проведении предварительного слушания, поданное после назначения уголовного дела к судебному разбирательству, также подлежит отклонению.

15. Предварительное слушание по уголовному делу должно быть проведено в порядке, установленном статьей 405⁶ УПК.

Предварительное слушание должно быть начато в срок, не позднее пяти суток с момента вынесения судьей определения о назначении предварительного слушания, и его продолжительность не должно превышать десяти суток.

Обратить внимание судов, что продление сроков проведения предварительного слушания законом не предусмотрено.

16. В соответствии со статьями 405⁷ и 410 УПК судья выносит определение о приостановлении производства по уголовному делу в случаях:

когда обвиняемый скрылся и место его пребывания неизвестно;

тяжелого и длительного заболевания обвиняемого, исключающего возможность его участия в судебном заседании.

В случае, когда обвиняемый скрылся и место его пребывания неизвестно, судья, приостанавливая производство по делу, одновременно выносит определение об изменении ему меры пресечения. Уголовное дело, по которому производство приостановлено в связи с объявлением розыска обвиняемого, передается прокурору, утвердившему обвинительное заключение или обвинительный акт, для исполнения определения суда.

Производство по уголовному делу возобновляется после устранения обстоятельств, послуживших основанием к его приостановлению, о чем

судья выносит определение.

17. Разъяснить судам, что при наличии основания для приостановления производства по уголовному делу лишь в отношении одного из нескольких обвиняемых разбирательство уголовного дела в отношении остальных продолжается. Данное правило не распространяется на случаи, когда рассмотрение дела в отсутствие обвиняемого, в отношении которого производство приостановлено, признается судом невозможным.

18. Разъяснить судам, что при наличии обстоятельств, указанных в статье 83, части первой статьи 84 УПК, исключающих производство по делу, судья должен при решении вопроса о назначении дела к судебному разбирательству прекратить дело полностью или частично либо в отношении некоторых обвиняемых, а также исключить отдельные эпизоды обвинения.

Решая вопрос о прекращении дела в связи с истечением сроков давности привлечения к уголовной ответственности, или на основании акта об амнистии, следует иметь в виду, что прекращение дела по названным основаниям возможно лишь при наличии в материалах дела либо материалах, предоставленных стороной, согласия на это обвиняемого.

При наличии оснований, предусмотренных частью пятой статьи 84 УПК, судья вправе прекратить дело.

При прекращении дела суд отменяет принятые меры пресечения, меры обеспечения гражданского иска и разрешает вопрос о вещественных доказательствах.

19. Следует иметь в виду, что при установлении в ходе предварительного слушания существенных нарушений процессуального закона, которые являются препятствием для рассмотрения судом уголовного дела по существу и принятия законного,

обоснованного, справедливого решения, дело передается прокурору в соответствии со статьей 405¹² УПК. К таким недостаткам относятся, в частности случаи, когда:

обвинительный акт или обвинительное заключение составлены с нарушением требований УПК;

по уголовному делу, направленному в суд с постановлением о применении принудительной меры медицинского характера, есть необходимость составления обвинительного акта или обвинительного заключения;

имеются предусмотренные статьей 332 УПК основания для объединения уголовных дел;

при ознакомлении обвиняемого с материалами уголовного дела ему не были разъяснены права, предусмотренные статьями 375 и 381¹³ УПК;

фактические обстоятельства, изложенные в обвинительном акте или обвинительном заключении, постановлении о направлении уголовного дела в суд для применения принудительной меры медицинского характера, свидетельствуют о наличии оснований для квалификации действий обвиняемого, лица, в отношении которого ведется производство о применении принудительной меры медицинского характера, как более тяжкого преступления, общественно опасного деяния или наличие таких обстоятельств установлено в ходе предварительного слушания.

20. При направлении уголовного дела прокурору по основаниям, предусмотренным пунктом 5 части первой статьи 405¹², судья обязан указать в своем определении обстоятельства, являющиеся основанием для квалификации действий обвиняемого, лица, в отношении которого ведется производство о применении принудительной меры медицинского характера, как более тяжкого преступления, общественно опасного деяния. Вместе тем, судья не впра-

ве указывать в определении:

конкретную статью Особенной части Уголовного кодекса Республики Узбекистан, по которой следует квалифицировать преступление или общественно опасное деяние;

делать выводы об оценке доказательств и о виновности обвиняемого.

Во всех случаях при направлении уголовного дела прокурору судья должен решить вопрос о мере пресечения в отношении обвиняемого, а при необходимости о продлении срока его содержания под стражей с учетом сроков, предусмотренных статьей 245 УПК.

21. При установлении в ходе предварительного слушания оснований для объединения в одно производство уголовных дел по обвинению нескольких лиц или по обвинению одного лица в совершении нескольких преступлений, судья вправе по ходатайству сторон или собственной инициативе принимать решение об объединении уголовных дел в одно производство с соблюдением требований статьи 395 УПК.

22. Разъяснить судам, что в соответствии с частью первой статьи 405¹¹ УПК во время предварительного слушания обвиняемый, защитник, государственный обвинитель вправе заявить ходатайство об исключении любого доказательства, имеющегося в материалах уголовного дела, если считает их недопустимыми.

В ходатайстве должны быть указаны:

доказательство, об исключении которого ходатайствует сторона;

основания для признания доказательства недопустимым и исключения, предусмотренные УПК.

Копия ходатайства, независимо от того, кем оно внесено, направляется прокурору, утвердившему обвинительный акт или обвинительное заключение, а также потерпевшему

в день представления ходатайства в суд.

Если ходатайство об исключении доказательства не отвечает требованиям части четвертой статьи 405¹¹ УПК, судья выносит определение об отказе в его удовлетворении и назначает по делу судебное разбирательство. При этом судья разъясняет заявителю о его праве в ходе судебного разбирательства вновь обратиться к суду с подобным ходатайством.

23. Обратит внимание судов, что бремя опровержения доводов ходатайства стороны защиты об исключении доказательства, как недопустимого, лежит на прокуроре, если ходатайство заявлено на основании, что доказательство было получено незаконными методами или путем лишения или ограничения гарантированных законом прав участников уголовного процесса либо с нарушением других требований УПК. В остальных случаях бремя доказывания лежит на стороне, заявившей ходатайство.

Рассматривая ходатайство об исключении доказательства, судья вправе на основании части тринадцатой статьи 405⁶ УПК допросить свидетеля и приобщить к материалам дела документ, указанный в ходатайстве. При этом в качестве свидетеля могут быть допрошены только лица, которым что-либо известно об обстоятельствах производства следственных действий или изъятия и приобщения к делу документов, допустимость которых оспаривается.

24. В случае принятия судом решения об исключении доказательства, имеющегося в материалах уголовного дела, данное доказательство теряет юридическую силу и не может быть положено в основу приговора или иного судебного решения, а также исследоваться и использоваться в ходе судебного разбирательства.

Вместе с тем, при разбирательстве уголовного дела по существу, стороны вправе заявить ходатайство о признании допустимым ранее признанного недопустимым и исключенного доказательства.

25. На определение судьи, вынесенное по результатам проведения предварительного слушания, может быть подана частная жалоба (протест) в апелляционном порядке в соответствии со статьей 405¹⁵ УПК.

26. Рекомендовать Суду Республики Каракалпакстан, областным и приравненным к ним судам при рассмотрении уголовных дел в апелляционном порядке обращать особое внимание на соблюдение судами первой инстанции норм уголовно-процессуального закона, регулирующих подготовку уголовных дел к судебному разбирательству и проведение предварительного слушания.

**Председатель Верховного суда
Республики Узбекистан К. КАМИЛОВ**

**Секретарь Пленума,
судья Верховного суда И. АЛИМОВ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
Қ А Р О Р И

2022 йил 14 май

№ 7

Тошкент шаҳри

Жиноят ишларини биринчи инстанция судида муҳокама қилиш бўйича суд амалиёти тўғрисида

Жиноят-процессуал қонунига ўзгартиришлар киритилганлиги, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ҳамда қонуннинг бир хил ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадига, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларнинг эътибори иш ҳолатлари ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текширилишини таъминлаш, жиноят содир этилиши сабаблари ва унга имкон яратган шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида жиноят ишларини биринчи инстанцияда муҳокама қилишда процессуал қонун нормаларига қатъий риоя этиш зарурлигига қаратилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) мувофиқ суд жиноят ишини муҳокама қилишга, фақат ЖПК 49-бобида назарда тутилган барча зарур ҳаракатлар бажарилгандан кейин киришишга ҳақли.

3. ЖПК 406-моддасига мувофиқ, ҳар бир жи-

ноят иши айнан бир таркибдаги суд ёки бир судья томонидан кўриб чиқилиши лозим. Бунда шуни назарда тутиш керакки, ваколат муддати яқунлангани, бошқа судьялик лавозимига ёки бошқа ишга ўтгани муносабати билан судьянинг (шу жумладан, халқ маслаҳатчисининг) ваколатлари тугаган тақдирда, кўрилиши тугалланмаган иш суднинг бошқа таркибида бошидан кўриб чиқилиши лозим.

4. ЖПК 407-моддасида назарда тутилган ҳолларда ишда иштирок этган захирадаги халқ маслаҳатчиси суд мажлисида иш муҳокамаси бошлангандан тугагунга қадар узлуксиз иштирок этиши шарт.

Қонун мазмунига кўра, захирадаги халқ

маслаҳатчиси далилларни текширишда иштирок этишга, раислик қилувчи рухсати билан сўроқ қилинаётган шахсларга саволлар беришга ҳақли.

5. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ишнинг барча ҳолатлари синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ, ҳолисона текширилишини таъминлаш ва ҳақиқатни аниқлаш мақсадида қонун суд мажлисида раислик қилувчига суд муҳокамасини ташкил этиш бўйича муайян ваколатлар юклати.

Суд мажлисида раислик қилувчи бутун суд муҳокамаси давомида жиноят процессининг, суд айблов ёки ҳимоя тарафида бўлмаслиги ва уларнинг ҳеч қандай манфаатларини ифода-

ламаслиги, балки хо-
лислик ва бефаразликни
сақлаган ҳолда, тараф-
лар ўз процессуал маж-
буриятларини бажар-
ишлари ва берилган
ҳуқуқларини амалга
оширишлари учун зарур
шарт-шароит яратиб бе-
ришини назарда тутув-
чи муҳим принципини
таъминлаши шарт.

6. Судларга тушунти-
рилсинки, ЖПК 25-мод-
дасининг олтинчи
қисми, 26-моддасининг
биринчи қисми, 409 ва
439-моддаларига кўра,
прокурор суд процесси-
нинг иштирокчиси си-
фатида одил судловни
амалга ошириш учун му-
ҳим бўлган ҳуқуқ ва
мажбуриятларга эга
бўлиб, булар давлат ай-
бловчиси томонидан
айблов хулосасининг
(айблов далолатномаси-
нинг) хулоса қисмида
баён этилган айбловни
ўқиб эшиттириш, далил-
ларни текширишда бе-
восита иштирок этиш:
судланувчилар, жабрлан-
увчилар ва гувоҳларни
сўроқ қилиш, эксперт-
ларнинг хулосасини
тинглаш, ашёвий далил-
ларни кўздан кечириш,
судда баённомалар ва
ишнинг бошқа ҳужжатла-
рини ўқиб эшиттириш-
дан иборат.

Қонунда баён этилган
вазифаларни бажариш
суддан жиноят қонуни
нормаларини қўллаш,
судланувчининг ҳаракат-
ларини квалификация
қилиш, унга жазо тури
ва миқдорини белги-

лаш, жиноят содир эти-
лишига имкон берган
сабаблар ва шарт-ша-
роитлар тўғрисида хо-
лисона фикр баён
қилиш учун прокурорга
имконият яратиш мақ-
садида жиноят иши му-
ҳокамаси чоғида унинг
узлуксиз иштирок эти-
шини таъминлашни та-
лаб этади.

ЖПК 412-моддаси-
нинг биринчи қисми та-
лабига мувофиқ, проку-
рор суд мажлисига кел-
май қолган тақдирда,
суд жиноят иши муҳока-
масини кейинга қолди-
ради. Прокурор узрли
сабабсиз келмай қолган
тақдирда, суд бу ҳақда
юқори турувчи проку-
рорга хабар бериши
шарт.

7. Шуни назарда ту-
тиш лозимки, ЖПК 410-
412-моддаларига муво-
фиқ, судланувчи, ҳимо-
ячи ва прокурорнинг
суд мажлисига келиши
уларнинг мажбурияти
ҳисобланади, чунки бу
иш материалларини
тўлиқ, ҳар томонлама ва
холисона текшириш за-
рурати билан бевосита
боғлиқ бўлиб, бунга
риоя этмасдан қонуний
ва адолатли қарор
қабул қилиш имконияти
йўқ.

Шу муносабат билан
қайд этилган процесс
иштирокчиларидан би-
рортаси суд мажлисига
келмаган тақдирда, иш-
нинг муҳокамаси кейин-
га қолдирилиши (ЖПК
410-моддасининг учин-
чи қисми билан назар-

да тутилган ҳоллар бун-
дан мустасно) ва унинг
судга келишини таъ-
минлаш бўйича қонунда
назарда тутилган чора-
лар кўрилиши лозим.

8. ЖПК 410-моддаси-
нинг учинчи қисмига
кўра, судланувчи Ўзбе-
кистон Республикаси
ҳудудидан ташқарида
бўлиб, судга келишдан
бўйин товласа, унинг
йўқлиги эса иш бўйича
ҳақиқатни аниқлашга
монелик қилмаса, суд
ишни судланувчи ишти-
рокисиз кўришга ҳақли.

Суд мажлисини суд-
ланувчи иштирокисиз
ўтказиш тўғрисидаги
илтимосномани кўриб
чиқишда, судья ЖПК
388-моддасининг ик-
кинчи қисмига муво-
фиқ, судланувчининг ҳи-
моячисига айблов хуло-
саси ёки айблов дало-
латномаси нусхаси
топширилган-топши-
рилмаганлигини текши-
риши лозим.

9. ЖПК 414-моддаси-
га кўра, биринчи ин-
станция судида жиноят
ишини муҳокама қилиш
фақат иш бўйича айбла-
нувчи сифатида жалб
қилинган шахсларга нис-
батан ва эълон қилинган
айб доирасида амалга
оширилади.

Судланувчига ёки
ишга айбланувчи сифа-
тида иштирок этишга
жалб этилган янги шах-
сларга нисбатан янги,
оғирроқ ёки ҳақиқий
ҳолатга кўра дастлабки
айбловдан жиддий
фарқ қиладиган айблов

бўйича иш фақат ЖПК 416 ва 417-моддаларида назарда тутилган шартлар ва тартибга риоя этган ҳолда муҳокама қилиниши мумкин.

10. ЖПК 420-моддасига мувофиқ, кўрилиши бошланган жиноят иши қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:

судланувчи суддан яширинса;

судланувчи суд мажлисига келишига имконият бермайдиган руҳий ёки бошқа оғир касалликка чалинганда;

суд томонидан прокурорга ЖПК 416 ва 417-моддаларида назарда тутилган тартибда қўшимча процессуал ҳаракатлар амалга оширилишини топшириш ҳақида ажрим чиқарилса.

ЖПК 420-моддасида назарда тутилган ҳолатлардан келиб чиқиб, суд ишни бирор судланувчига нисбатан ёки бутунлай тўхтатиши мумкин.

11. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, барча процессуал ҳаракатларни изчил бажармасдан ва суд мажлисининг тайёргарлик қисмида ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни аниқламасдан туриб, суд терговини ЖПК 52-боби талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказиш учун шароит яратиб бўлмайди.

Суд муҳокамасининг ушбу қисмида раислик қилувчи судланувчининг

шахси билан боғлиқ (ЖПК 434-моддаси) барча масалаларни синчковлик билан аниқлаши лозим.

Суд мажлисининг тайёргарлик қисмида раислик қилувчи томонидан судланувчи шахсига оид маълумотларнинг аниқланиши судни суд тергови давомида жазо чорасини ва жазони ижро этиш муассасаси турини белгилашга оид масалаларни ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатларни (ЖПК 82-моддаси) синчковлик билан ўрганиш мажбуриятидан озод этмайди.

12. ЖПК 438-моддаси мазмунига кўра, суд муҳокамаси иштирокчиларининг янги гувоҳларни, экспертларни, мутахассисларни чақириш тўғрисидаги, ашёвий далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги илтимосномалари бевосита улар арз қилинган ва муҳокама қилингандан сўнг ҳал этилиши лозим. Суд муҳокамаси иштирокчилари доирасини аниқлаш ва ишнинг ҳаракати билан боғлиқ бошқа барча илтимослар ҳам (жабрланувчи, фуқаровий даъвогар сифатида тан олиш тўғрисида, ишни тўхтатиш ёхуд унинг муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисида, ишни тугатиш тўғрисида ва бошқалар), улар

суд мажлисининг тайёргарлик қисмида ёки суд муҳокамаси давомида арз қилинганлигидан қатъий назар, шу қоидалар асосида ҳал қилинади.

Иш судга келиб тушганидан сўнг, лекин суд муҳокамаси бошлангунга қадар келиб тушган илтимосномалар суд мажлисининг тайёргарлик қисмида ҳал қилиниши лозим. Бироқ, уларнинг тўғри ҳал қилишини таъминлаш мақсадида иш бўйича раислик қилувчи илтимосномани кўриб чиқишни кейинга қолдириши ва муайян ҳаракатларни (маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва ҳоказо) амалга ошириши мумкин.

Қонунга кўра (ЖПК 438-моддасининг учинчи қисми), илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш тарафни ушбу илтимосномани бошқа асослар бўйича суд муҳокамаси давомида қайта арз қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

13. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, эҳтиёт чорасини қўллаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги, паспорт ҳаракатини тўхтатиб туриш тўғрисидаги, айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги, судланувчининг

тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги, мурдани эксгумация қилиш тўғрисидаги, рад этиш тўғрисидаги, жиноят ишини тўхта-тиш ёки уни прокурорга ўтказиш тўғрисидаги, бошқа органларга ижро этиш учун юбориладиган ажримлар, шунингдек, хусусий ажримлар алоҳида хонада (маслаҳатхонада) алоҳида ҳужжатлар кўринишида чиқарилади.

Бошқа масалалар бўйича ажримлар суд мажлисининг ўзида, суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кирмасдан чиқарилиши мумкин ва ЖПК 423-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ қарор қабул қилиниши сабабларини кўрсатган ҳолда суд мажлиси баённомасига киритиб қўйилади.

Суд томонидан суд мажлиси давомида ҳал қилинадиган барча масалалар бўйича ажримлар дарҳол эълон қилиниши лозим (ЖПК 423-моддасининг бешинчи қисми).

14. Судланувчининг кўрсатмалари фақат ЖПК 104-моддасида назарда тутилган ҳолларда ўқиб эшиттирилиши мумкин ва суд томонидан суд тергови давомида текширилиши лозим.

15. Судлар шуни назарда тутишлари ло-

зимки, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ЖПК 55, 57, 59, 61, 63-моддаларига мувофиқ ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча суд мажлисларида иштирок этишга ҳақлидирлар. Шу сабабли бу шахсларнинг кейинги суд мажлисларида иштироки ихтиёрий (уларнинг иштироки суд томонидан зарур деб топилган ҳоллар бундан мустасно) бўлиб, бу ҳақда иш муҳокамаси кейинга қолдирилганда суд мажлиси баённомасида қайд этган ҳолда тушунтирилиши шарт.

16. Судланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳлар сифатида вояга етмаган шахслар иштирок этган иш муҳокама қилинаётганда, ишнинг алоҳида ҳолатларини аниқлаш бундай шахсларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини инобатга олиб, судлар ҳар бир ҳолда бундай ҳолатларни текшириш чоғида суд залида вояга етмаганлар ҳозир бўлиши зарурлиги масаласини муҳокама қилишлари лозим.

17. Ишнинг муайян ҳолатларини аниқлаш учун фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимлар зарур бўлган барча ҳолларда, экспертиза ўтказиш зарурлиги ёки бу ҳолатлар суд муҳокамасига

мутахассисни жалб этиш орқали аниқланиши мумкинлиги масаласи ҳал қилиниши лозим.

Мутахассис далилларни текшириш чоғида судга ёки суд процесси иштирокчиларига махсус билим ва кўникмалар зарур бўлиб қолганда (масалан, технологик ёки ишлаб чиқариш жараёнини, у ёки бу касбнинг ўзига хос хусусиятларини тушунишда ва ҳоказо) суд муҳокамасига таклиф этилади. Мутахассис фикри суд мажлиси баённомасида акс эттирилиши шарт. Мутахассис олдида эксперт ваколатига кирадиган саволларни қўйишга йўл қўйилмайди. Унинг фикрини эксперт хулосасига тенглаштириб бўлмайди.

Эксперт хулосаси қонунга мувофиқ далил турларидан бири ҳисобланади ва тадқиқотларни амалга ошириш асосида берилади. Эксперт олдида мутахассис ваколатига кирувчи саволлар қўйилиши мумкин. Судлар экспертиза ўтказиш учун асослар мавжуд бўлганда, экспертиза ўтказишнинг экспертиза ўтказиш-ни экспертиза ўтказиш қилиш билан алмаштиришга йўл қўймасликлари керак.

18. Судларнинг эътибори иш бўйича ҳақиқатни аниқлашда ашёвий далиллар, ҳужжатларни текшириш,

жой ва бинони кўздан кечириш муҳим аҳамият касб этишига қаратилсин.

Ашёвий далиллар ва ҳужжатлар суд мажлисида иш бўйича бошқа далиллар билан тенг равишда синчковлик билан текширилиши (тегишлича кўздан кечирилиши, ўқиб эшиттирилиши) лозим бўлиб, айтилган пайтда улар тақдим этилган шахслар уларни текшириш билан боғлиқ у ёки бу ҳолатларга суднинг эътиборини қаратишлари мумкин. Суднинг ашёвий далилларни кўздан кечириш ва ҳужжатларни ўқиб эшиттириш бўйича барча ҳаракатлари суд мажлиси баённомасида акс эттирилиши керак.

19. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ЖПК 262-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, гувоҳ судга келишдан узрли сабабларсиз бош тортганда, у мажбурий келтирилиши мумкин. Жумладан, қуйидагилар гувоҳнинг судга келмаслигига узрли сабаблар деб тан олиниши мумкин:

уни судга келиш имкониятидан маҳрум этувчи касалликка чалинганда;

оила аъзоси касалликка чалиниб, уни парваришлашни бошқа бировга топширишнинг имкони бўлмаганда;

чақирув қоғози унга ўз вақтида топширилмаганда;

табиий офат оқибатида келишнинг иложи бўлмаганда;

гувоҳнинг судга белгиланган муддатда келишига тўсқинлик қилган бошқа объектив сабаблар бўлганда.

20. ЖПК 296-моддасига мувофиқ, жиноят содир этилишига имкон яратган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш суд муҳокамасининг муҳим таркибий қисми эканлигини ҳисобга олиб, судлар ҳар бир жиноят ишини кўриб чиқиш чоғида етарли асослар мавжуд бўлганда, хусусий ажрим чиқаришлари лозим.

Суд суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказилиши даврида йўл қўйилган камчиликларни аниқласа, хусусий ажрим чиқариш йўли билан бунга тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини қаратиши лозим.

21. Суд мажлиси баённомаси иш бўйича энг муҳим процессуал ҳужжатлардан бири эканлигини назарда тутиб, судлар уни тузиш сифатини ошириш чораларини кўришлари керак.

Баённома ЖПК 426-моддаси талабларига қатъиян мувофиқ тарзда тузилиши лозим. Бунда қуйидагилар баён этилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

суд муҳокамаси ишти-

рокчилари томонидан берилган илтимосномалар ва уларнинг муҳокамаси тартибига;

маслаҳатхонага кирмасдан суд мажлисида чиқарилган суд ажримларига;

судланувчининг унга нисбатан эълон қилинган айблов мазмуни бўйича, гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг иш ҳолатлари бўйича берган кўрсатувларига;

далилларни текшириш жараёнига.

Баённома сифатли ва ўз вақтида тузилиши учун раислик қилувчи билан бир қаторда суд мажлиси котиби жавобгар бўлиб, у ЖПК 32-моддасига мувофиқ, баённомада суднинг ҳаракатлари ва қарорларини, шунингдек, суд муҳокамаси иштирокчилари ҳаракатларини тўлиқ ва тўғри баён қилиб бориши шарт.

Баённома бир неча суд мажлиси котиби томонидан юритилганда, улардан ҳар бири баённоманинг ўзи юритган қисмини имзолайди.

22. ЖПК 449-моддасига мувофиқ, тарафлар музокараси давлат ва жамоат айбловчиси нутқи билан бошланади. Сўнгра жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари, ҳимоячи ва жамоат ҳимоячиси, судланувчи, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили сўзга чиқади.

Судларга тушунтирил-

синки, музокаралар тугагандан сўнг тарафлар ЖПК 457-моддаси биринчи қисмининг 1-6-бандларида назарда тутилган масалалар юзасидан ўзлари таклиф этган қарор мазмунини судга ёзма тарзда тақдим этишлари мумкин. Давлат айбловчиси ва ҳимоячи музокаралар тугагандан сўнг суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунга қадар судга ўзларининг ёзма таклифини беришга мажбур.

23. Тарафлар музокараси иштирокчилари ўз сўзларида, судланувчи эса, шунингдек, охириги сўзида иш учун муҳим аҳамиятга молик янги ҳолатлар тўғрисида хабар берсалар, суд, суд терговини ЖПК 452-моддаси талабларига мувофиқ, янгидан бошлаб, судланувчини ушбу ҳолатлар тўғрисида батафсил сўроқ қилиши ҳамда уларни процессуал қонуннинг суд терговига оид талабларига риоя этган ҳолда синчковлик билан текшириши лозим.

24. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати-га, Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар, Тошкент шаҳар судларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига ишларни апелляция тартибида кўраётганда биринчи инстанция судлари то-

монидан жиноят-процессуал қонуни нормаларига риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратиш, уларни қўллашда йўл қўйилган хатоларни мунтазам таҳлил қилиб бориш тавсия этилсин.

25. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекис-

тон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 22 августдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида"ги 12-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси**

К. КАМИЛОВ

**Пленум котиби,
Олий суд судьяси**

И. АЛИМОВ

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ****ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

14 мая 2022 год

№ 7

город Ташкент

**О судебной практике
по разбирательству уголовных дел
в суде первой инстанции**

В связи с изменениями, внесенными в уголовно-процессуальный закон, вопросами, возникающими в судебной практике, и в целях обеспечения единообразного и правильного применения норм закона, руководствуясь статьей 22 Закона "О судах" Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

ПОСТАНОВЛЯЕТ:

1. Обратить внимание судов на необходимость строгого соблюдения норм процессуального закона при разбирательстве уголовных дел по первой инстанции с целью обеспечения всестороннего, полного и объективного исследования обстоятельств дела, выявления причин и условий, способствующих совершению преступления.

2. В соответствии с Уголовно-процессуальным кодексом Республики Узбекистан (далее - УПК) суд вправе приступить к разбирательству уголовного дела лишь после выполнения всех необходимых действий, предусмотренных главой 49 УПК.

3. Согласно статье 406 УПК каждое уголовное дело должно быть рассмотрено в одном и том же составе суда или одним судьей. При этом необходимо иметь в виду, что в случае прекращения полномочий судьи (в том числе народного заседателя) в связи с окончанием срока полномочий, переходом на другую судебскую должность либо другую работу, дело, неоконченное рассмотрением, подлежит разбирательству с начала в ином составе суда.

4. Запасный народный заседатель, участвовавший в деле, в случаях, предусмотренных статьей 407 УПК, обязан присутствовать в судебном заседании непрерывно с начала до конца разбирательства дела.

По смыслу закона запасный народный заседатель вправе участвовать в исследовании доказательств, с разрешения председательствующего задавать вопросы допрашиваемым лицам.

5. Обратить внимание судов, что в целях обеспечения тщательного, всестороннего, полного, объективного исследования всех обстоятельств дела и установления истины закон возлагает на председательствующего в судебном заседании определенные полномочия по организации судебного разбирательства.

Председательствующий в судебном заседании в течение всего разбирательства дела обязан обеспечить важный принцип уголовного процесса, предусматривающий, что суд не выступает на стороне обвинения или защиты и не выражает каких бы то ни было их интересов, а сохраняя объективность и бес-

пристрастность, создает необходимые условия для выполнения сторонами их процессуальных обязанностей и осуществления предоставленных им прав.

6. Разъяснить судам, что в силу части шестой статьи 25, части первой статьи 26, статей 409 и 439 УПК прокурор, как участник судебного процесса, наделен важными для осуществления правосудия правами и обязанностями, какими являются оглашение государственным обвинителем обвинения, изложенного в резолютивной части обвинительного заключения (обвинительном акте), непосредственное участие в исследовании доказательств: допросе подсудимых, потерпевших и свидетелей, заслушивание заключения экспертов, осмотре вещественных доказательств, оглашения в суде протоколов и иных документов дела.

Выполнение изложенных в законе функций требует от суда обеспечения непрерывного участия прокурора при разбирательстве уголовного дела с целью предоставления ему возможности для изложения объективного мнения о применении норм уголовного закона, квалификации действий подсудимого, определения ему вида и размера наказания, о причинах и условиях, способствующих совершению преступления.

В соответствии с требованием части первой статьи 412 УПК при неявке прокурора в судебное заседание суд откладывает разбирательство уголовного дела. В случае неявки прокурора без уважительной причины, суд обязан сообщить об этом вышестоящему прокурору.

